

## УзДЖТУ таржимонлик факультети

Ушбу мақола ўзбек темир йўл транспортига оид атамаларининг тематик гуруҳларга бўлинишдаги ўзига хос хусусиятлари хвқида маълумот беради. Умумий адабий тилда тематик (лексико-семантик) гуруҳ сўзлари каби саноат терминологиялари терминлари "тил билан эмас, балки тилга ташқи хусусиятга кўра бирлашади . Улар ўша воқелик, тушунчаларнинг бирлиги, яқинлиги, номлари билан боғлиқдир. Лексико-семантик ва тематик гуруҳлар учун характерли хусусият гуруҳ элементлари ўртасида иерархик структура ва семантик боғланишларнинг мавжудлигидир. Сўзларни тематик гуруҳларга бирлаштириш асосида темир йўл соҳаси қандай шаклланганлигини кўришимиз мумкин.

: Терминалогик тизим, терминология мактаблари, техник терминлар, кўшма термин, темир йўл терминалогияси, бирикма терминлар, қисқартма терминлар.

**ABSTRACT**

This article provides information on the peculiarities of the Uzbek terms of railway transport in the division into thematic groups. In the general literary language, terms of industrial terminology, such as thematic (lexico-semantic) group words, are “combined not by language but by the external nature of the language, characteristic feature for semantic and thematic groups is the presence of hierarchical structure and semantic connections between group elements. We can see how the railway field is formed on the basis of combining words into thematic groups.

**Keywords:** Terminological system, schools of terminology, technical terms, compound terms, railway terminology, compound terms, abbreviations

Фан-техника соҳасида илмий тушунчаларни номлаш ва баён этишда терминлар алоҳида ўрин тутди, ҳеч бир фан соҳасини терминларсиз

тасаввур қилиб бўлмайди. Дунё тилшунослигининг терминология мактаблари, хусусан, Австриядаги «Вена терминология мактаби», Россиядаги «Россия терминология мактаби», Чехословакиянинг «Прага терминология мактаби» кабилар терминларнинг фан соҳаларида нақадар муҳим ўрин тутишидан далолат беради.<sup>1</sup>Шунингдек, INFOTERM, TERMNET, ISO, ISO 860 каби бутунжаҳон терминологияни стандартлаштириш кўмиталарининг иш олиб бораётгани, уларнинг сайъ-ҳаракатлари билан тузилган ISO 704 – халқаро терминология стандартининг фаолият юритаётгани ҳам терминларнинг кишилиқ жамиятида ўрни беқиёс эканини кўрсатади.

Маълумки, жамият ҳаётида юз берган ҳар қандай техник-технологик жараён, яратилган кашфиёт, илим фан соҳаларидаги янгиликлар муайян терминлар билан ифода этилиб, бунинг натижасида тилнинг терминологик аппарати бойиб боради. Бошқача айтганда, борлиқ ходисаларнинг лисоний онгда махсус ифодавий шакилга кириши ва турғунлашуви тилда терминларнинг вужудга келишига сабаб бўлади<sup>2</sup>.

Биз ушбу ишимизда терминларни тематик гуруҳларга семантик хусусиятлар таҳлили асосида тақсимладик. Бутун темир йўл терминологик сўз туркумлари ўзаро боғлиқ, тизимли ташкил этилган гуруҳлар, синфлар, терминларнинг уялари, семантик майдонлар тизимидир. Шу билан бирга "терминлар фақат эркин тартибда эмас, балки махсус парадигма ҳосил қилувчи маълум бир фан ёки соҳанинг систематикасига асосланган ҳолда гуруҳланади". Анъанавий тилшунослиқда тилнинг систематик бирликлари тамойилини биринчи бўлиб Ф. де Сауссур кiritган бўлиб, уларни "sistema, уларнинг барча қисмлари синхроник ўзаро боғлиқлигида қаралиши мумкин ва лозим" деб атаган. Амалий жиҳатдан Л. М. Босова томонидан тизимли сўз бирикмаси муаммоси кўриб чиқилди. У семантик майдон назариясини лексик таркибнинг системавий боғланишларини ўрганиш йўллари излашнинг оқибати деб ҳисоблайди. Бундай ёндашув табиийдир, чунки " ҳар бир сўз бошқа сўзларнинг маъноси билан кўплаб йўллар билан боғлиқ. Тилнинг лексик тизимини

<sup>1</sup>Temmerman R. Questioning the inivosity ideal. The difference between socio-cognitive terminology and traditional terminology. - Amsterdam-Rodopi. 2000. - P.3.

<sup>2</sup>Кўчимов Ш.Н. Ҳуқуқий нормаларни ўзбек тилида ифодалашнинг илмий-назарий муаммолари (лингвоюрдик таҳлил): Филол. фан. докт. ...дисс. – Т., 2004. – 280 б.

ўрганиш, одатда, турли тип ва ҳажмлардаги лексик гуруҳларни аниқлаш ҳамда уларнинг бир-бири билан алоқаларини ўрнатиш шаклида амалга оширилади". Шунинг таъкидлаш керакки, "семантик майдон" атамаси биринчи марта 1942 да Г. Ибсен томонидан киритилган. Шундан буён бу атама турли мамлакатлар ва тилшуносликнинг турли соҳаларидаги асарларига мустаҳкам ўрнашиб қолди. Замонавий тилшуносликда семантик майдон умумий мазмун билан бирлаштирилган ва белгиланган ҳодисаларнинг концептуал, объектив ёки функционал ўхшашлигини акс эттирувчи лингвистик бирликлар мажмуи сифатида тавсифланади ва қуйидаги асосий хусусиятлар билан тавсифланади:

- 1) уни ташкил этувчи сўзлар ўртасида семантик муносабатларнинг (корреляцияларнинг) мавжудлиги;
- 2) ушбу муносабатларнинг тизимли табиати;
- 3) лексик бирликларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро муайянлиги;
- 4) майдоннинг нисбий муҳити;
- 5) унинг семантик фазосини белгилашнинг узлуксизлиги;
- 6) бутун лексик тизим (бутун луғат) ичидаги семантик майдонларнинг муносабати .

Майдон назарияси умумий ғоянинг турли версиялари - сўзларнинг бир-бири билан семантик алоқаси ғоясини ифодаловчи турли нуқтаи назарларни қамраб олади. Ушбу тадқиқотнинг вазифаси барча нуқтаи назарларни кўриб чиқиш ва таҳлил қилишни ўз ичига олмайди, шунинг учун семантик майдоннинг анъанавий таърифига таянамиз. Семантик майдон томонидан биз Гринев-Гриневич, инсон тажрибасида ажратилган ва автоном лексик тизим шаклида тилда ёзишмаларга эга бўлган воқеликнинг бир қисмини назарда тутамиз. Бошқача қилиб айтганда, майдон атаманинг мавжудлик соҳаси бўлиб, унинг ичида уни ифодаловчи барча хусусиятлар мавжуд бўлиб, у бошқа атамалар-сўзлар мажмуи бўлиб, у шу фан доирасида бирлаштирилиб, унинг асосида ўзи шаклланади ва ўзининг лисоний шакли билан таъсир кўрсатади . Шундай қилиб, темир йўл транспортининг семантик майдони маълум бир фаолият соҳасини қамраб олувчи сўзларнинг энг умумий бирлашмаси бўлиб, у тематик гуруҳлар ёки лексико-семантик гуруҳлардан иборат бўлиши мумкин. Семантик майдонни аниқлаш учун ишлатиладиган хусусиятлар икки гуруҳга бўлинади. Уларнинг биринчиси қандайдир лексик маъно билан боғлиқ бўлган белгилардан иборат; бу белгиларни лингвистик деб аташ мумкин. Иккинчи гуруҳ концептуал, предмет-тематик соҳага қаратилган белгилардан иборат;

уларни экстралингвистик деб аташ мумкин. Лекин майдон учун биринчи ва энг муҳими экстралингвистик йўналиш бўлиб, унга кўра лисоний ифода воситалари уюшади .

Тилшуносликда *термин* турлича талқил қилинади. Ш.Кўчимовнинг қайд этишича, ”термин касбий маъно билдирувчи. касбий тушунчани ифодаловчи ва шакиллантирувчи айрим объектлар ва улар ўртасидаги алоқаларни муайян касблар нуктаи назаридан билиш ҳамда ўзлаштириш жараёнида ишлатиладиган сўз ёхуд бирикмадир ”.<sup>3</sup>

Х.Норхўжаева терминга хос қуйдаги хусусиятларни санаб кўрсатган:

1) термин – умумодабий тилнинг махсус вазифа бажарувчи бир тури бўлган ишлаб чиқариш, фан ва техника тилига мансуб лисоний бирлик, сўз ёки бирикмадир;

2) термин – аниқ нарса-предмет, ашё, маъхум тушунчаларнинг махсуслаштирилган номидир;

3) термин учун таъриф (дефинция) зарурки, унинг ёрдамида тегишли тушунча мазмунини аниқроқ ифодалаш, тушунчадан бирини иккинчисидан чегаралаб ажратиш имконини берувчи, айти маҳалда, маълум тушунчани муайян таснифий қаторга жойлаштиришга йўл кўювчи, фарқловчи белгиларни равшанроқ кўрсатиш мумкун.

Бу ўринда шуни ҳам қайд этиш лозимки, тилнинг терминалогик тизими бирликлари қайд этилган умумий хусусиятларга эга бўлиш билан бирга, соҳавий хосланганлиги билан ҳам характерланади. Айниқса, ижтимоий – гуманитар, иқтисодий – сиёсий, табиий, аниқ фанлар ва техник-технологик соҳаларда қўлланувчи кўплаб терминлар алоҳида белгилари билан ажралиб туради. Биз бунини темир йўллари соҳасида қўлланувчи терминлар тизимида ҳам кузатамиз. Ўзбек техник терминологиясининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган олим Р.Дониёров терминларни тузилишига кўра ўзига хос таризда таснифлайди. У бирдан ортиқ лексик узвдан ташкил топган терминларни синтактик йўл билан ҳосил бўлган термин сифатида қарайди. Олимнинг фикрича, ўзбек тилининг техник терминалогиясида яқка сўзли терминларга нисбатан синтактик усул билан ҳосил бўлган терминлар салмоқли ўринни эгаллайди. Бунинг сабаби шундаки, синтактик усул билан ясалган

<sup>3</sup>Х.Норхўжаева Ўзбек тилида жараёни англатувчи терминларнинг лингвистик хусусиятлари.. Филол. фан. докт. ...дисс. – Т., 2017 – 87 б.

терминлар, барча тилларда бўлганидек, ўзбек тилида ҳам муҳим номинатив манба саналади.<sup>4</sup>

Англашиладики, Р.Дониёров бу масалада рус тилшуноси А.Н.Кожиннинг “терминларда ифодаланаётган нарсанинг белгиси шундоққина ифодаланиб туради, улар билиш сари ҳаракат жараёнида ижтимоий маълумотларни мустақамлашда сўздан иборат тўсиқни ошиб ўтишга ёрдам беради” деган фикрга методологик асос сифатида таянган.

Р.Дониёров синтактик усул билан ҳосил бўлган техник терминларни от+от, нисбий сифат +от, сифатдош +от, жараён номи +от типидики ўринишларга ажратган. Олим от+от типдаги терминларни I тип изофали. II тип изофали III тип изофали турларга бўлган. У бундай терминларни ясаиш жиҳатдан синтактик усул билан ясалган терминлар сифатида, тузилиши жиҳатдан эса қўшма терминлар сифатида баҳолаган. Умуман олганда, Р.Дониёров техник терминларни тузилиши жиҳатдан анъанавий таризда содда ва қўшма турларга ажратади.

Н.Қосимов “Ўзбек тили илмий-техникавий терминологияси масалалари” (Сўз ўзлаштириш ва аффиксация масалалари) деб номланган асарида бирдан ортиқ компонентли илмий техник терминларни қўшма, жуфт ва гибрид каби турларга ажратган. У қўшма сўз ва қўшма термин ҳақида фикир юритар экан, қуйдагиларни: “Ўзбек тили лексикасида илмий техникавий тушунчаларни ифодаловчи қўшма терминлар салмоқли ўрин эгаллоайди.... Умумтилшуносликдаги “қўшма сўзлар” (собственно-сложные слова) терминига қиёсан терминологик системалардаги худди шу типдаги, яъни икки ва ундан ортиқ мустақил термин ёки терминоэлементларнинг ўзаро қўшилиб ҳосил қилинган янги лексик бирикма-янги яхлит терминга “қўшма термин” бирикмасини қўллаш мақсадга мувофиқдир”.

Кўринадикки, Н.Қосимов В.В.Виноградовнинг қуйдаги хулосасига таянган холда иш тутган: “...сўз ясаш соҳасида тилнинг ички ривожланиш қонунлари, айниқса, яққол кўрилади. Янги сўзларнинг ясаиши тилда аллақачон барқарорлашган ёки янги ўзакларнинг ажралиши ва янги аффиксал унсурларнинг қўлланиши билан, шунингдек, сўз ясаш системасининг ривожланиши ва такомиллашуви билан боғлиқ холда янгидан вужудга келаётган моделлар ҳамда сўз ясаш типлари бўйича амалга ошади”<sup>5</sup>

<sup>4</sup>Дониёров Р. Ўзбек техник терминларининг айрим масалалари.-Тошкент: Фан, 1977- Б.97

<sup>5</sup>Н.Қосимов “Ўзбек тили илмий-техникавий терминологияси масалалари Тошкент, 1985.-Б.78

Н.Қосимов қўшма терминларнинг қўшма сўзлардан фарқланишини қуйдагича изоҳлаган: “Масалан, қўшма сўзлар барча мустақил сўз туркумлари доирасида амал қилиши мумкин. Қўшма терминлар эса асосан от туркуми доирасида амал қилади, қўшма сифатлар фақат терминэлемент, яъни бирикма терминнинг аниқловчи компоненти сифатидагина қаралади. Бу ерда шуни қайд этиш керакки, отдан бошқа сўз туркумларининг термин бўла олиши потенциал бўлиб, улар айрим олинган ҳолда, термин бўла олмайди. Унинг терминологик характери контекстда аниқланади, масалан, феъллар бирикмалар таркибида ҳам термин бўла олмайди”

Олим *темир йўл, устқурма, учбурчак, гидролиз, антиоксидловчи, антикосинус, электростанция* каби терминларни қўшма терминлар сифатида қайд этган. Унинг фикрларига қўшилган ҳолда ва эътироз сифатида терминосистемаларда феъл терминлар ҳам кўплаб учрашини айтиб ўтишни лозим топамиз. Масалан темир йўл терминалогиясида *бузирлаш, текслаш, шиббалаш, пайвандлаш* каби феъл терминларнинг терминологик моҳиятга эгаллигини кўриш мумкин.

Шуниси характерлики, Н.Қосимовнинг кўрсатилган асарида қўшма терминларнинг бир кўриниши сифатида *гибрид терминлар* ҳам ажратилган. Унинг фикрича, “гибрид терминлар ўзбек илмий –техникавий терминологиясида кейинги йилларда пайдо бўлган янги типдаги қўшма терминлар. Гибрид сўзи кенг маънода “турли тил элементларидан тузилган “дурагай” сўзлар. Демак, ўзбек терминалогиясидаги гибрид қўшма терминлар асосан интернационал термин элементлар сифатида грекча ва латинча префиксал характердаги боғлиқ морфемалар иштрок этади. Масалан, *авиасаноат, аэрофотосурат, гидротузлар, ультратовуш* сингари гибрид қўшма терминларнинг биринчи компонентлари (*авиа-, аэро-, гидро, ультра -*)” ана шундай интернационал терминэлементлар, иккинчи компонентлар эса ўзбекча сўзлардир”.<sup>6</sup>

Бизнингча, мазкур гибрид терминларнинг иккинчи компонентларининг барчаси ҳам, албатта, ўзбекча сўзлар эмас. Масалан, *саноат, сурат, зарра* каби сўзлар ўзлашма қатлам birlikлари. Иккинчи узви ўзбекча сўзлардан ташкил

<sup>6</sup>Н.Қосимов “Ўзбек тили илмий-техникавий терминологияси масалалари Тошкент, 1985.-Б.148



топган гибрид терминлартемир йўл терминасистемасида ҳам кўп. Масалан,*йўлсозлик, автохаракат, автохалокат* кабилар.

Н.Қосимов тадқиқотда жуфт терминларни ҳам ажратган. Унинг фикрича, "икки мустақил лексик маъноли компонентларнинг тенг боғланиши асосида ташкил топиб, умумлаштириш, жамлик каби маъноларни ифодаловчи сўз- жуфт терминдир. Жуфтлашувчи қисимлар орасидаги тенглик муносабати ёзувда дефис билан кўрсатилади. Талаффузда бу қисмлар тенг фонетик чўққига эга бўлади, айна вақтда, иккинчи ягона лексик урғу ёрдамида лексема бўлиб бирлашади". Китобда *электрон-оптик, зичлагич планка, тўқима-трикотаж* каби терминлар жуфт терминлар сифатида қайд этилган.

Жуфт шаклдаги терминлар темирйўл терминологияси тизимида ҳам кўп учрайди. Масалан, *битумли-грунтли, цемент- тупроқли, шлак -тупроқли, қатрон –бетонли* каби терминларшу турга мансуб. Биз бундай терминларга нисбатан *бирикма* атамасини қўлашни маъқул кўрамыз. Бу типдаги терминларга нисбатан *мураккаб* сўзини қўллаш маъқул эмаслигига бир неча сабаб мавжуд.

Биринчидан, сўзлар каби терминлар ҳам шакил ва маъно бирлигидан иборат. Шу боис мураккаб сўзи қўллаганда термининг шайланмаслигида ҳам маъносида ҳам мураккаблик белгиси тушунилиши мумкун. Бу эса масала моҳиятини яққол ифодаланмаслигига сабаб бўлади. Иккинчидан, мураккаб атамаси қўлланганда, асосий эътибор таркибий қисимлар миқдорига қаратилади. Бу ҳолда бирдан ортиқ компонентдан ташкил топган қўшма сўз ҳолатидаги терминлар ҳам, сўз бирикмаси шаклдаги терминлар ҳам англашилиши мумкун. Ҳолбуки, кўп ҳолларда мураккаб сўзи остида бирикма шаклидаги терминлар назарда тутилади.

Форис тилидаги транспорт терминларини структур тузилиши ва ясаилиши муаммосини ўрганган Х.Мирзаҳмедова ам ўз тадқиқотида бирикма термин атамасини қўллаган. У форис тилидаги транспортга оид терминларни қуйдаги турларга бўлиб ўрганган:

1. Синтактик бирикма терминлар.
2. Фразеологик бирикма терминлар

Мазкур тадқиқотда мураккаб бирикма терминларидан қисқартмалар (аббревиатура) ни яшаш масаласига ҳам эътибор қаратилган.

Ўзбек темирйўл терминологиясида ҳам қисқартма терминлар мавжуд, аммо фразеологик терминлар кузатилмайди. Масалан, ЙХХ (Йўл ҳаракати хафсизлиги), ТЙТ (темирйўл тиркамалари), ТЙЕ (темирйўл тугуни),

НИБҚ(нефтли йўл битумлари қайишқоқлиги) каби терминлар қисқартма терминлар сирасига киради.

Айтилганлар асосида темирйўл терминларини структур жиҳатдан қуйдаги гуруҳларга ажратишни маъқул кўрамыз:

- 1) Содда терминлар;
- 2) Қўшма терминлар;
- 3) Бирикма терминлар ;
- 4) Қисқартма терминлар.

Содда терминлар. Содда терминлар бир асосли, уларда шаклий маъновий яхлитлик кўзга ташланади .Мисоллар: шиббалаш, планировкалаш, режалаш, шоссе, штир, активатор, арматура, қувур, изол.

От туркумига мансуб содда терминларнинг аксарияти ўзлашма қатламга оид. Феъл туркумига мансубларигина ўз қатлам бирликдир. Бироқ феъл термин-лексемаларнинг асос қисимлари аксар ҳолларда ўзлашма қатламга оид бўлади. Шу асосида ўзбек терминосистемасида мавжуд йўлсозликка оид содда терминларни дериватив хусусиятлари асосида икки гуруҳга бўлиш мумкин:

А) содда туб терминлар: шоссе, штир, присадки, чувик, прогон, прогал кабилар

В) содда ясама терминлар: бетонлаш, чувуқли, шиббалаш, кштарма, ковлагич, йўлсоз.

Қўшма терминлар. Қўшма терминлар бирдан ортиқ асоснинг ўзаро бирикиб, тўла – тўқис қўшма сўзга айланишидан ҳосил бўлади. Темирйўл терминлари тизимида қўшма терминлар кўп .Мисоллар : *қаламтўсин, яримкўприк, сувтўсиқ, пардевор, тагтиралма , девустун* кабилар.

Жуфт терминлар .Йўлсозлик терминлари тизимида жуфт терминлар кам учрайди. Мисоллар: темир –бетон, термос –бункер, цемент –тупроқли кабилар.

Бирикма терминлар. Айтилганидек, барча терминосистемаларда бирикма терминлар кўп миқдорни ташкил қилади. Бу ҳолат йўлсозлик терминосистемасига ҳам дахилдор.

Бирикма терминлар бошқа мураккаб лексемалар каби бирдан ортиқ лексик бирликлардан ташкил топадига кўп ҳолларда бирикма ҳолатида бўлади. Мисоллар: ёй биссектрисаси, пландаги эгрилик чизиги, ёрдамчи ёй, йўлнинг кўндаланг кесим юзи.



Қисқартма терминлар. Темирйўл терминосистемасида бирикма терминлардан ясалган қисқартма терминлар ҳам мавжуд. бундай терминлар, асосан, қуйдаги тартибда шакллантирилган:

1) бирикма итермин компонентларининг бош ҳарифи асосида ҳосил қилинади. Масалан: АБТ (автоматлаштирилган бошқарув тизими) ВТХКП (вагонларга техникавий хизмат кўрсатиш пунктлари) кабилар;

2) бирикма терминнинг биринчи компоненти биринчи бўғини вакейинги компонентларини тўлиқ қўллаш асосида ҳосил қилинади. Масалан: КИШ АСБОБИ (КИШ- “Колсо и шар”)

Биз ушбу ишимизда терминларни тематик гуруҳларга семантик хусусиятлар таҳлили асосида тақсимладик. Бутун инглиз темир йўл терминологик сўз туркумлари ўзаро боғлиқ, тизимли ташкил этилган гуруҳлар, синфлар, терминларнинг уялари, семантик майдонлар тизимидир. Шу билан бирга "терминлар фақат эркин тартибда эмас, балки махсус парадигма ҳосил қилувчи маълум бир фан ёки соҳанинг систематикасига асосланган ҳолда гуруҳланади".

## REFERENCES

1. Дониёров Р. Ўзбек техник терминларининг айрим масалалари. - Тошкент: Фан, 1977- Б.97
2. Кўчимов Ш.Н. Ҳуқуқий нормаларни ўзбек тилида ифодалашнинг илмий-назарий муаммолари (лингвоюрлик таҳлил): Филол. фан. докт. ...дисс. – Т., 2004. – 280 б.
3. Мираҳмедова З. Ўзбек тилининг анатомия терминологияси ва уни тартибга солиш муаммолари. – Т., 2010.
4. Норхўжаева Х. Ўзбек тилида жараёни англатувчи терминларнинг лингвистик хусусиятлари.. Филол. фан. докт. ...дисс. – Т., 2017 – 87 б.
5. Қосимов Н. Ўзбек илмий-техникавий терминологияси масалалари. - Т., 1985.
6. Temmerman R. Questioning the inivosity ideal. The difference between socio-cognitive terminology and traditional terminology. - Amsterdam-Rodopi. 2000. - P.3.